



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

3 ЖИЛД, 10 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 3, НОМЕР 10

LOOK TO THE PAST

VOLUME 3, ISSUE 10



ТОШКЕНТ-2020

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

«Ўтмишга назар» илмий журнали тахририй маслаҳат кенгаши
редакционный совет научного журнала «Взгляд в прошлое»
Editorial board of the scientific journal Looking into the past

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон
тиллари университети

Зияева Доно Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кебадзе Мадонна
доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
доктор исторических наук, Телавский
государственный университет, Грузия

Агзамова Гулчехра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети, Қозоғистон

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Рахмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат тиббиёт институти

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
профессор, Телавский государственный
университет, Грузия

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Ташқи ишлар вазирлиги қошидаги
Дипломатия академияси,
Қозоғистон Республикаси

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Россия ФА, Санкт-Петербург
Тарих институти

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор
Давлат тарихи институти, Қозоғистон

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор
Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон
Миллий университети, Қозоғистон

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон миллий университети

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон Давлат университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Талапов Бахриддин Алижанович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Наманган давлат университети

Захидова Саховат
тарих фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори, доцент
Наманган давлат университети

Махкамов Қодиржон Одилжонович
PhD, доцент в.б.
Наманган давлат университети

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENT


1. Равшан Ҳалимович Акбаров ТУРКИСТОНДА БУТУНРОССИЯ ТАЪСИС МАЖЛИСИГА САЙЛОВЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ (ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	4
2. Улуғбек Қўчқорович Исмоилов ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ВА ХАЛҚИМИЗНИНГ ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИГИ.....	11
3. Salamat Mamanuli Ktaybekov LIU ZHI JUANNING "IPAK TARIXI" ASARIGA TARIXIY NIGOH.....	19
4. Saidamirxon Mahmudov ZAMONAVIY TARAQQIYOTNING YANGI BOSQICHIDA KOREYA-O'ZBEKISTON HAMKORLIGINING ISTIQBOLLARI.....	24
5. Orifxo'ja Odilovich Mo'minov ARXELOGIYADA QADIMGI HUDUDLAR LANDSHAFTLARINI TUZISHDA GATNING O'RNI.....	31
6. Орифа Зулфикоровна Норова МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИНИНГ МУЗЕЙШУНОСЛИК МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	38
7. Жаҳонгир Давлатович Остонов БУХОРО ИНҚИЛОБИ ЁХУД КОММУНИСТИК ИНТЕРВЕНЦИЯ? БУХОРО ВОҚЕАЛАРИГА ЯНГИЧА ҚАРАШ.....	44
8. Мархабо Давлатовна Пардаева ЖАҲОЛАТГА ҚАРШИ МАЪРИФАТ БИЛАН КУРАШИШДА МУТАФАККИР ЖАДИДЛАР ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ.....	51
9. Рустамжон Султонмуродович Солиев ВАТАН ВА ХАЛҚ МАНФААТИ ЙЎЛИДА.....	58
10. Юлдуз Бобокуловна Турсунова ЎРТА ОСИЁ ВА ҚОЗОҒИСТОН МУСУЛМОНЛАР ДИНИЙ ИДОРАСИ ТАРКИБИНИНГ АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИДА АКС ЭТИШИ.....	62
11. Санъат Ҳайитбоевич Хўжамов ТОШКЕНТДАН ТОПИЛГАН ЯНГИ КУФИЙ ДИРҲАМ ТАНГАЛАР.....	69
12. Наргиза Ғаниевна Қаландарова БУХОРО ШАҲРИ АРХИТЕКТУРА ОБИДАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ.....	75

ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Улугбек Кўчқорович Исмоилов,
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат
педагогика институти ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ВА ХАЛҚИМИЗНИНГ ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИГИ

For citation: Ulugbek K. Ismoilov, DEMOCRATIC REFORMS IN UZBEKISTAN AND THE RELIGIOUS TOLERANCE OF OUR PEOPLE. Look to the past. 2020, vol. 10, issue 3, pp.11-18

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-10-2>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган ва аҳолининг 5-6 % ташкил этувчи ислом динидан ўзга динларга эътиқод қилувчилар ва уларнинг диний эътиқодларини бемалол амалга оширишлари учун яратилган шарт-шароитлар, диний конфессиялар фаолияти ва ўзбек халқининг уларга кўрсатган инсонпарварлик ёрдами тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: дин, бағрикенглик, конфессиялар, диний ташкилотлар, кадриятлар, адвентистлар.

Улугбек Кучкарович Исмоилов,
Преподаватель Чирчикского
государственного педагогического института
Ташкентской области

ДЕМОКРАТИЧЕСКИЕ РЕФОРМЫ В УЗБЕКИСТАНЕ И РЕЛИГИОЗНАЯ ТОЛЕРАНТНОСТЬ НАШЕГО НАРОДА

АННОТАЦИЯ

В статье исследуются условия, созданные для верующих неисламских религий и их религиозных убеждений, составляющих 5-6% населения Узбекистана, деятельность религиозных конфессий и гуманитарная помощь, оказываемая им узбекским народом.

Ключевые слова: религия, толерантность, конфессии, религиозные организации, ценности, адвентисты.

Ulugbek K. Ismoilov,
Teacher, Chirchik State Pedagogical
Institute of Tashkent region

DEMOCRATIC REFORMS IN UZBEKISTAN AND THE RELIGIOUS TOLERANCE OF OUR PEOPLE

ABSTRACT

The article examines the conditions created for believers of non-Islamic religions and their religious beliefs, who make up 5-6% of the population of Uzbekistan, the activities of religious denominations and the humanitarian assistance provided to them by the Uzbek people.

Index Terms: religion, tolerance, denominations, religious organizations, values, adventists.

1.Долзарблиги:

Ер юзида ҳар бир миллат ва элат яхлит тарзда ёки уларнинг аксарият қисми маълум бир диний тасаввур ёки таълимотга эътиқод қилади. Шундан келиб чиқиб, биз бирор-бир миллат номини эшитганда диний мансубликни тахмин қиламиз. Мисол учун, ўзбеклар – мусулмон, руслар – насроний православ, испанлар – насроний католиклар ва ҳоказолар. Лекин ҳар бир ҳолатда ҳам истисно бўлиши мумкин. Зеро, испанлар, руслар орасида мусулмонлар ёки исломни янги қабул қилаётганлар кўпчиликни ташкил этади. Бундан ташқари, маълум бир давлат ҳудудида бир дин вакиллари яхлит кўпчиликни ташкил қилсалар ҳам, бошқа турли дин ва таълимот вакиллари ҳам биргаликда истиқомат қиладилар. Ушбу вазиятда давлатнинг олдида қўйилган асосий мақсади – бу турли миллат вакиллари, динлар ва таълимотларга эътиқод қилувчиларнинг ўзаро тинч-тотув, иноқ, баҳамжиҳат бўлиб истиқомат қилишлари ва бор куч ва шижоатларини ватан тараққиётига эришиш йўлида бирлаштириш – устувор вазифа сифатида ўрнатилган.

Мустақиллик йилларида халқимизнинг миллатлараро тотувлик, бағрикенглик фазилатлари янада юксалди. Республикамизда амалга оширилаётган барқарор сиёсат туфайли миллатлараро муносабатлар янада такомиллашди. Миллатлар ўртасидаги ўзаро тотувлик, эътиқод эркинлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар туфайли мамлакатимизда 16 та диний конфессия, 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари тинч-тотув яшаб келмоқда. Бундан ташқари республикамизда улар учун кенг миқёсдаги имкониятлар яратилган бўлиб, натижада ҳар бир миллат вакиллариининг миллий маданий марказлари фаолият юритиб келмоқда.[1]

Ўз ўрнида, шуни таъкидлаб ўтишимиз жоиз-ки, юртимиз ҳудудида ҳам титул миллат – ўзбеклардан ташқари қозоқ, тожик, туркман, афғон, қирғиз, рус, татар, қрим татар, уйғур, ва бошқа 136 та миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади. Уларнинг барчаси ўзларини Ўзбекистон Республикасининг тўла ҳуқуқли фуқароси сифатида ҳис қилишлари учун барча шароитлар яратилган.

Бугунги кунда Ўзбекистондаги маънавий-маданий ҳаёт диний эътиқодлар ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Собиқ Шўролар тузуми қулагач, кўп миллатли ва кўп конфессияли халқимизнинг ўзаро тотувлигини таъминлаш соҳасида қатор ишлар олиб борилди. [2] Бунинг натижаси ўлароқ, ҳозирда юртимизда 16 хил диний конфессияга мансуб 2256 та диний ташкилотлар ўз фаолиятларини тўлиқ қонуний асосда амалга оширмоқдалар. Аҳолининг 94-95 % Ислом динига эътиқод қилувчилардан иборатэканлигидан келиб чиқиб, шулардан аксарияти – 2064 таси исломий (масжид, мадраса), 175 таси насроний (черков, монастыр), 8 таси яҳудийлар жамоаси (синагога), 6 та баҳоий жамоалари, 1 та буддавийлар ибодатхонаси, 1 та харе-Кришна жамияти, Ўзбекистон динлараро Муқаддас Китоб жамияти фаолият юритмоқда. [3]

Миллий қонунчилик тизими мамлакатимизда яшовчи барча 16 дин вакиллари учун тенг шароит яратмоқда.

Уларнинг бир қисми Ўзбекистон учун ноанъанавийдир. Давлат улар билан ўзаро муносабатда, ўз дунёвий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги тамойилларга амал қилмоқда:

- диндорларнинг диний туйғуларини ҳурмат қилиш;
- диний эътиқодларни фуқароларнинг ёки улар уюшмаларининг хусусий иши деб тан олиш;
- диний қарашларга амал қилувчи фуқароларнинг ҳам, уларга амал қилмайдиган фуқароларнинг ҳам ҳуқуқларини тенг кафолатлаш ҳамда уларни таъқиб қилишга йўл қўймаслик;

- маънавий тикланиш, умуминсоний ахлоқий қадриятларни қарор топтириш ишида турли диний уюшмаларнинг имкониятларидан фойдаланиш учун улар билан мулоқот қилиш йўллари излаш зарурати;
 - диндан бузгунчилик мақсадларида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмаслигини эътироф этиш.
- [4].

2. Услуглари ва ўрганилганлик даражаси:

Мақола умум қабул қилинган тарихий услублар – тарихийлик, қиёсий – мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда турли сабабларга кўра юртимизга келиб қолган ва шу ерда қолиб, яшаб фаолият юритаётган ўзга миллат ва дин вакилларида давлатимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлар, Ўзбекистон халқининг бағрикенглиги, тинч-тотувлиги, тинчликсеварлиги, ҳукуматимиз томонидан бу борада олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг мамлакатнинг ижтимоий – сиёсий, маънавий ҳаётида юксак натижаларга эришаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Миллий ва диний бағрикенглик масаласида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо республикаларда қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган: Тожикистонда Эгамбердиева М.Ҳ. (2016); Қозоғистонда Балпанов Н., Исагамбетова З.Н., Карабаева А.Г. (2018), Соколовский К.Г. (2016); Россияда О.Шатаева (2014), Н.Медушевский (2020), Е.К.Рудакова (2014), В.Зорин (2017), В.Никитюк, О.Шатаева, Н.Коршунова (2014), Усманов Р.Ф., Вильданов У.С. (2012) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон халқининг мамлакатимиздаги кам сонли миллатлар ва ўзга дин вакилларида нисбатан бағрикенглиги, ғамхўрлиги, инсонпарварлиги Муртазаева Р.Х. (2018), Иноятова Д.М. (2014, 2018), Муҳаммадсиддиқов М. (2009), Сиддиқов Р.Б. (2019), Гаффоров Я.Х. (2003, 2017), Ота-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. (1998, 2004), Комилов А.А. (2018), Мирзаахмедов Х.А. (2018), Гафуров У.Т. (2018), Акиева Х.Х., Саидова Н. (2015), Обидова З.А. (2016), Кулуева Ф.Г. (2019), Низомов Б. (2007), Шамгунов Р.Г. (2004), Ортиқов М. (2012) ва бир қатор тадқиқотчиларнинг илмий мақолалари, монографиялари, асарларида ёритиб берилган. Бундан ташқари Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар, бағрикенглик масалалари Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги "Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик" илмий маркази томонидан ўрганилиб келинмоқда. Ушбу марказ томонидан бир қатор илмий-амалий конференциялар, илмий-тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда.[5].

Ўзбекистондаги мусулмон бўлмаган ўзга дин вакилларининг тадқиқотчилар томонидан ўрганилиши муҳим бўлган энг асосий мавзулардан биридир.

3. Тадқиқот натижалари:

2018 йилнинг сентябрь ойида Америка Қўшма Штатларининг Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган диний эътиқод эркинлигини таъминлашга бағишланган халқаро форумда дунё ҳамжамияти Ўзбекистонда диний эркинликни рағбатлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолади.

“Диний эркинлик гуллаб-яшнаса, мамлакат ривожланади. Бунга Ўзбекистонни мисол келтириш мумкин. Диний эркинликлар масаласида Ўзбекистонда қабул қилинган қарорлар мамлакатга, унинг жамиятига ва бутун минтақасига илгари ҳеч қачон бўлмаганидек ижобий прогрессив таъсир кўрсатади”, деб таъкидлаб ўтди АҚШ Давлат котиби Майк Помпео. [6] Шунга ўхшаш фикрларни Диний эркинликлар бўйича махсус топшириқлар бўйича элчи Сем Браунбек, Глобал ҳамкорлик институти президенти Жеймс Чен, АҚШ Миллий хавфсизлик кенгашининг Марказий Осиё бўйича директори Жон Колберт каби нуфузли экспертлар ҳам билдиришди.

Лекин улар ушбу вазиятда илк ўрта асрларда Ўрта Осиё аҳолисининг маданий - маърифий ва маънавий ҳаётида нечта дин вакиллари ўзаро қўни-қўшни, қон-қариндош бўлиб ҳаёт кечирганини ва динлараро мулоқот жуда ижобий муҳитда шаклланиб ривожланганлигидан [7] беҳабар бўлсалар керак! Бўлмаса, “... унинг жамиятига ва бутун минтақасига илгари ҳеч қачон бўлмаганидек ...” қабилда иш сўз юритмас эдилар.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, дунё аҳолисининг 83 фоизининг фикр, виждон ва дин эркинлигини қаттиқ чеклашмоқда. [8] Дин, эътиқод ёки қуфрга асосланган таъқиблар, катагонлар ва камситишлар кўплаб мамлакатларда кунлик ҳақиқатдир.

Конституциямиз виждон ва эътиқод эркинлигини қафолатлайди, тегишли қонунчилик базаси барча фуқароларнинг диний эҳтиёжларини қондириш учун шароит яратади, миллий ёки диний мансублигидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлайди ва шу асосда камситишларга қарши самарали курашади.

Замонавий Ўзбекистоннинг диний ҳаётидаги муҳим хусусият – бу битта дин ёки мазҳаб учун бошқаларга нисбатан афзалликлари ёки чекловларини ўрнатишга йўл қўйилмаслиқдир.

Виждон эркинлигини янада мустаҳкамлаш бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони билан қабул қилинган “2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ўз аксини топган. Бешинчи йўналишда хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, мувозанатли, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатни амалга ошириш мақсадлари назарда тутилган. Унга мувофиқ дин соҳасида аллақачон 50 дан ортиқ қонун ҳужжатлари ва 25 та амалий қарорлар қабул қилинган. [9]

Ўзбекистоннинг миллатлараро ва динлараро тотувликка оид сиёсати “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” ва бошқа халқаро ҳужжатларга тўлиқ мос келади.

Дунёнинг кўп жойларида конфессиялараро қарама-қаршилиқлар кескинлашмоқда. Улар асосан диний озчиликлар ҳуқуқларининг бузилиши билан боғлиқ. Бундай шароитда, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, хавфсизлик, динлараро ва конфессиялараро тотувлик янги сиёсий йўналишнинг асосий мазмунига айланди.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган диний ташкилотлар билан ўзаро мустаҳкам ҳамкорлик қилиш, турли диний конфессияларга мансуб ташкилотларнинг ўз фаолиятини амалга оширишда ёрдам кўрсатиш, жамиятда динлараро ва миллатлараро тинчлик ва тотувликни таъминлаш юзасидан таклифлар ва чора-тадбирларни биргаликда ишлаб чиқиш, конфессиялараро мулоқот маданиятини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелдаги 196-сон қарорига мувофиқ Дин ишлари бўйича қўмита ҳузурида Конфессиялар ишлари жамоатчилик кенгаши ташкил этилди. [10] Кенгаш аъзолари таркибига республикадаги кўп сонли диний конфессияларнинг етакчилари кирган.

Кенгашнинг асосий вазифалари республикага диний экстремизм ва фанатизм ғоялари тарқалишининг олдини олиш, анъанавий диний ташкилотларнинг ўзаро мулоқотини мустаҳкамлаш, динлараро ва миллатлараро тотувлик ва барқарорликни таъминлашдан иборат. [11]

2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг фармонида биноан Конфессиялар кенгашининг янги таркиби тасдиқланди. Бу Дин ишлари бўйича қўмита ҳузуридаги жамоат маслаҳат органи бўлиб, 9 кишидан 17 кишигача кенгайган бўлиб, улар сафига Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган деярли барча диний конфессиялар вакили кирган. Янги аъзолар - еттинчи кун адвентистлари, насронийлар, Ўзбекистон Инжил Жамияти, Харе Кришна Жамияти, Иегова Шоҳидлари ва бошқалар каби оз сонли диний ташкилотларнинг раҳбарлари.

Кенгаш Ўзбекистондаги диний ва ижтимоий жараёнларнинг ҳозирги ҳолатини муҳокама қилади, фуқароларнинг виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқларини таъминлаш, тенглик, диний ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи бўлган Дин ишлари бўйича қўмитага тавсиялар ишлаб чиқади.

Ўзбекистонда олиб борилаётган диний сиёсат олдига учта мақсад қўйилган бўлиб, уларга эришиш давлатнинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади:

1. Диний плюрализм - ҳар бир кишининг ўзига хос эътиқоди бор, яъни дин ва виждон эркинлиги;

2. Диний бағрикенглик - фуқароларнинг бошқа дин вакилларига нисбатан ўзаро ҳурмати ва тинчлиги;

3. Динлараро мулоқот - мамлакатда фаолият юритаётган конфессиялар ўртасидаги самарали муносабатлар.

“Мамлакатимиз фуқаролари томонидан ушбу учта тамойилни англаш ва риоя қилиниши диний соҳада муносиб ютуқларга эришганлигимиздан далолат беради ва эркин, демократик жамиятда 16 хил конфессиянинг тинч-тотув яшаши билан исботланади”, деб таъкидлади Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Артурбек Юсупов 2015 йил 16 ноябр куни Тошкентда бўлиб ўтган Халқаро бағрикенглик кунига бағишланган халқаро конференцияда. [12]

Ўзбекистонда барча диний конфессиялар вакиллари учун ўз динларини эркин ва тўсиқсиз қабул қилишларига имкон берадиган барча шароитлар яратилган. Фуқароларнинг ҳуқуқлари тўлиқ таъминланади, унга кўра улар ўзларининг диний ташкилотларини мустақил юридик шахс сифатида ташкил этиш, диний кадрларни тайёрлаш ва уларнинг эҳтиёжлари учун диний адабиётларни нашр этиш, диний байрамларини нишонлаш ва муқаддас жойларга зиёрат қилиш имкониятига эга бўладилар. [13]

Ўзбекистон ҳукумати мусулмонлар учун Ҳаж сафарини ташкил этишга катта эътибор қаратмоқда. Шу билан бир қаторда юртимизда истиқомат қилувчи ўзга дин вакиллари ҳам ўзларининг муқаддас зиёратгоҳларига ҳеч қандай тўсиқ ва чекловларсиз сафар қилишлари учун қонуний асослар яратилган. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб 115 мингдан зиёд Ўзбекистон мусулмонлари Ҳаж, 90 мингдан зиёди Умра, 2000 га яқин христианлар Исроил, Россия ва Юнонистонга зиёрат қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистон Республикасида турли диний конфессиялар вакиллари ўзаро тинч-тотув ҳаёт кечириши – бу инсоният минг йилликлар мобайнида орзу қилиб келаятган, интиланган ҳолатдир. Мажозий маънода айтганда, Ўзбекистон халқи, Ер юзидаги дастлабки яккахудолик таълимоти бўлган Зардўштийлик дини ривоятларида айтиб ўтилган “Олтин аср” даврида яшашти десак муболаға бўлмайди.

2018 йил ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида Осиё минтақасида биринчи мартаба Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форумида БМТ Бош Ассамблеясининг 73-сессияси ҳужжати сифатида тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд декларацияси, шунингдек, 2019 йилда эса Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларда ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Тошкент декларацияси қабул қилинди. [14]

БМТ Бош қотиби, Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар, БМТнинг Диний эътиқод бўйича махсус маърузачиси ҳамда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг судялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича махсус маърузачисининг мамлакатимизга амалга оширган ташрифлари катта аҳамиятга эга бўлди. Бу муҳим ташрифлар Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи юксалишига катта туртки бергани алоҳида қайд этилди. [15]

Бу ютуққа Тангри Таъоло айнан бизнинг юртимизни лойиқ кўргани беҳад қувонарли ҳолат. Ер юзидаги энг қадимий диний тасаввурлар ва таълимотлар айнан бизнинг ватанимиз ҳудудида вужудга келган. Инсоният тарихидаги дастлабки яккахудолик таълимоти – Зардўштийлик дини ҳам мамлакатимиз ҳудудида вужудга келган, шаклланган ва кенг тарқалган. Шу билан бирга бир вақтнинг ўзида, яъни милoddан аввалги 7 – милoddий 7 асрлар мобайнида минтақада Зардўштийлик, Кўк-Тангри, Оташпарастлик, Монийлик, Маздакийлик, Несторианлик, Буддавийлик динларига эътиқод қилувчилар яшаб, фаолият юритганлар.

Илмий изланишлар натижасида маълум бўладики, Ўзбекистон дунедаги энг қадимги жойлардан бири бўлиб, бу ерда илк диний тасаввурлар ва эътиқодлар вужудга келган. Буни Сурхондарё вилоятининг Бойсун тоғларида жойлашган Тешиктош ғоридан 1938 йилда археолог А.Окладников томонидан топиб ўрганилган, алоҳида қабрга дафн этилган, 8-9 ешлардаги неандертал боласи суяк қолдиқлари, [16] Фаёз-тепа ва Қора-тепанинг барельеф топилмалари, Далварзин-тепа ва жанубий Сўғд – Қашқадарёдаги топилмалар ва бошқалар бемалол тасдиқлайди. Масалан, Ер юзидаги энг қадимги оташпарастлик ибодатхонаси

Қашқадарё вилояти ҳудудда жойлашган. Ислом диний ривоятларига кўра эса, оташпарастлик динининг асосчиси Одам Ато а.с.нинг фарзанди Қобил бўлган!

Зардўштилик динининг ватани Марказий Осиё, аниқроғи ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди ҳисобланиб, бу ердан унинг таълимоти бутун дунёга ёйилган.[17]

Кўк Тангри дини ҳам Марказий Осиёда вужудга келган бўлиб, яқка худолик таълимоти ҳисобланган. Бу дин юртимиз аҳолиси орасида жуда кенг тарқалган бўлиб, унинг маънавий турмуш тарзи, урф-одатларига катта таъсир кўрсатади. Зардўштилик ва Кўк Тангри динлари миллий менталитетимиз, маънавиятимиз, маданиятимизга шунчалик катта таъсир ўтказганки, асрлар мобайнида Ислом дини билан уйғунлашиб, халқимизнинг дунёқарашига сингиб кетган. Ва ҳозиргача тўй-маърака, таъзия, кундалик турмушдаги урф-одатлар ва маросимлар тарзида яшаб келмоқда. Масалан, келин ва куёвнинг олов атрофида айланиши, бахшичилик, чироқ ёқиш, ис чиқариш ва ҳоказолар.

Буддавийлик динининг ватани деб Шимолий Ҳиндистон ҳисоблансада, унинг асосчилари сифатида кўчманчи Шак (Сак) қабилалари бўлганлиги тахмин қилинади. Будда Шакья Муни – мунавварланган Шаклар давлати шаҳзодаси деган маънони беради. Бу диннинг дунёга ёйилишида ҳам аждодларимизнинг ўрни бекиёс. Эски Термиз, Қобадийн, Қува, Бомийн ва бошқа жойлардан буддавийларнинг йирик ибодатхоналари ва будда ҳайкаллари қолдиқлари археологлар томонидан топиб ўрганилган.

Самарқанд вилояти Ургут шаҳри эса насронийларнинг “Несторианлик” фирқаси тарқалиши учун марказ бўлиб хизмат қилган. Несторий Ийсо а.с.нинг шогирдларидан бири бўлиб, Ийсо Масихни Худо ёки Худонинг ўғли деб эмас, балки Худонинг элчиси – пайғамбари деб таълим берган. Араблар истилоси натижасида эса тугатилган.

VIII аср бошларида Ўрта Осиё ҳудуди Араб халифалиги томонидан забт этилиб, халифаликка кўшиб олинди. Бунинг натижасида минтақада ислом дини кенг тарқалди. Ислом динининг тараққиётга эришишида юртимизда исломгача бўлган даврда мавжуд бўлган динларнинг ислом таълимотига зид келмайдиган энг яхши тарафларини сақлаб қолиш, агар улар фойда келтирадиган бўлса қабул қилиш кераклиги ҳақидаги таълимот катта хизмат қилган. Мисол учун, мадраса таълимоти Зардўштиликнинг диний роҳиблар тайёрлайдиган мактабларидан олинган; Кўк Тангри дини руҳонийлари – бахшиларнинг маросимларида эса қуръон оятлари тиловат қилиниб, савобини ўтганларнинг руҳига ва париларга бағишлаш ўтган; инсон вафот этганидан сўнг марҳум номидан хайр – садақа берилиб, қуръон оятлари ўқириб савоби вафот этганларнинг руҳига бағишлаш Зардўштиликдан ўтган ва ҳоказолар.

4. Хулосалар:

Хуллас, кейинчалик мадрасаларга тақлид қилиб, Европада университетлар ташкил этилганлигини инобатга олсак, замонавий олий ўқув юртларининг тамал тоши айнан юртимизда қўйилган деб айтсак муболаға бўлмайди. Бу ютуқлар сўзсиз, диний бағрикенглик ва динлараро мулоқотнинг мевасидир, дейишга тўлиқ асосимиз бор.

Ўзбекистоннинг диний сиёсати динлараро мулоқотга қаратилган. Бунга бағрикенглик, яъни фуқароларнинг ўзгача ҳурмат ва тинчлиги, бошқа эътиқод одамларига нисбатан ҳослиги ҳосдир.

Турли динлар вакиллари ўртасидаги муносабатларни ўрнатишнинг янги модели мувозанатли ёндашувга ва барча диндорларнинг қонун ва давлат олдида тенглигига асосланади. Унинг муваффақияти Ўзбекистон барқарорлиги ва хавфсизлигининг муҳим омилдир.

Иктибослар/сноски / references:

1. “Ўтмишга назар” Махсус сон, Тошкент – 2020, Б.- 83 Абдурахманова Ж.Н. “Иккинчи жаҳон урушининг грек халқи ҳаётига таъсири” (Ўзбекистонга кўчирилган греклар мисолида) (“Looking to the past” Special issue, Tashkent - 2020, B.- 83 Abdurahmanova

- J.N. "The impact of World War II on the lives of the Greek people" (on the example of the Greeks deported to Uzbekistan)
2. Гаффоров Я.Х. “Бағрикенглик дунё тинчлиги, миллатлар тотувлиги, таълим – тарбия асосидир (мақола). “Бағрикенглик жамият барқарорлигининг асоси” мавзусида ўтказилган ўтказилган Республика илмий амалий конференцияси материаллари. –Т., – 2003 й. (G'afforov Ya.X. “Tolerance is the basis of world peace, harmony of nations, education (article). Proceedings of the Republican scientific-practical conference "Tolerance is the basis of social stability." Т. – 2003
 3. “Маърифат ва бағрикенглик диний эркинлик ва хавфсизликнинг омили сифатида” Тимур Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги минтақалараро стратегик тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи в.в.б.Манба: xs.uz 06.09.2018 йил. ("Enlightenment and tolerance as a factor of religious freedom and security" Timur Ahmedov, Acting Head of the Institute of Interregional Strategic Studies under the President of the Republic of Uzbekistan Source: xs.uz 06.09.2018.)
 4. Каримов И.А. “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” –Тошкент: Ўзбекистон, 1997.-Б. 43-44 (Karimov I.A. "Uzbekistan on the threshold of the XXI century: threats to security, conditions of stability and guarantees of development". –Toshkent: Uzbekistan, 1997. –P. 43-44
 5. “Ўтмишга назар” Махсус сон, Тошкент – 2020, Б.- 81 Абдурахманова Ж.Н. “Иккинчи жаҳон урушининг грек халқи ҳаётига таъсири” (Ўзбекистонга кўчирилган греклар мисолида) (“Looking to the past” Special issue, Tashkent - 2020, B.- 81 Abdurahmanova J.N. "The impact of World War II on the lives of the Greek people" (on the example of the Greeks deported to Uzbekistan)
 6. “Маърифат ва бағрикенглик диний эркинлик ва хавфсизликнинг омили сифатида” Тимур Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги минтақалараро стратегик тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи в.в.б.Манба: xs.uz 06.09.2018 йил. ("Enlightenment and tolerance as a factor of religious freedom and security" Timur Ahmedov, Acting Head of the Institute of Interregional Strategic Studies under the President of the Republic of Uzbekistan Source: xs.uz 06.09.2018.)
 7. Эшов Б.Ж., Одилов А.А.Ўзбекистон тарихи 1 – жилд. Олий ўқув юртлари учун дарслик, Т.2013 й. –Б.-182-183 (Eshov B.J., Odilov A.A. History of Uzbekistan 1 vol. Textbook for Higher Education Institutions, T.2013 –P.-182-183)
 8. “Маърифат ва бағрикенглик диний эркинлик ва хавфсизликнинг омили сифатида” Тимур Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги минтақалараро стратегик тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи в.в.б.Манба: xs.uz 06.09.2018 йил. ("Enlightenment and tolerance as a factor of religious freedom and security" Timur Ahmedov, Acting Head of the Institute of Interregional Strategic Studies under the President of the Republic of Uzbekistan Source: xs.uz 06.09.2018.)
 9. “Маърифат ва бағрикенглик диний эркинлик ва хавфсизликнинг омили сифатида” Тимур Аҳмедов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги минтақалараро стратегик тадқиқотлар институти бўлим бошлиғи в.в.б.Манба: xs.uz 06.09.2018 йил. ("Enlightenment and tolerance as a factor of religious freedom and security" Timur Ahmedov, Acting Head of the Institute of Interregional Strategic Studies under the President of the Republic of Uzbekistan Source: xs.uz 06.09.2018.)
 10. Юсупов О. - Дин ишлари бўйича қўмита раиси в.б., ффн, доцент “Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликнинг юксак намунаси” мақоласи “Ўзбекистон – бағрикенг диер”. –Т., -2007.–Б.146 (Yusupov O., Acting Chairman of the Committee for Religious Affairs, Ph.D., Associate Professor The article "Uzbekistan - a tolerant country" is a high example of interethnic harmony and religious tolerance. –Т., 2007. –P.-146)
 11. Юсупов О. - Дин ишлари бўйича қўмита раиси в.б., ффн, доцент “Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликнинг юксак намунаси” мақоласи “Ўзбекистон – бағрикенг диер”. –Т.,-2007.–Б.146 (Yusupov O., Chairman of the Committee on Religious

- Affairs, etc., Ph.D., Associate Professor The article "Uzbekistan - a high example of interethnic harmony and religious tolerance". –Т.,2007. –Р.146)
12. Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент ислом университети ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан ташкил этилган халқаро бағрикенглик кунига бағишланган конференция (2015 йил 16 ноябрьдаги) материаллари. (Proceedings of the conference dedicated to the International Day for Tolerance (November 16, 2015), organized by the Committee on Religious Affairs, Tashkent Islamic University and the UNESCO Office in Uzbekistan.)
 13. Гаффоров Я.Х. “Бағрикенгликнинг тарихий ва ҳуқуқий асослари”. Ўзбекистон тинчлик ва тотувлик мамлакати. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –Б.535. (G'afforov Ya.X. "Historical and Legal Foundations of Tolerance." Uzbekistan is a country of peace and harmony. Т.: “Uzbekistan” - 2017. –Р. 535.)
 14. Халқ сўзи, 11 Май 2020 й (People's Speech, 11 May 2020 y)
 15. Халқ сўзи, 11 Май 2020 й (People's Speech, 11 May 2020 y)
 16. Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи 1 – жилд. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик, Т.2013 й. –Б.35 (Eshov B.J., Odilov A.A. History of Uzbekistan 1 vol. Textbook for students of higher educational institutions, T.2013. –Р.-35)
 17. Эшов Б.Ж., Одилов А.А. Ўзбекистон тарихи 1 – жилд. Олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик, Т.2013 й. Б.-63 (Eshov B.J., Odilov A.A. History of Uzbekistan 1 vol. Textbook for students of higher educational institutions. –Т.,2013. –Р.63)

ЎТМИШГА НАЗАР

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

LOOK TO THE PAST

№10 (2020)

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000